

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРБАЕВА ШУКУРЖОН ХАЙИТБАЕВНА

**ХОРАЗМ ШЕВАЛАРИДАГИ КИЙИМ-КЕЧАК НОМЛАРИНИНГ
СТРУКТУР-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Норбаева Шукуржон Хайитбаевна

Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик
тадкики 3

Норбаева Шукуржон Хайитбаевна

Структурно-семантический анализ названий одежды в хорезмских
диалектах..... 21

Norbaeva Shukurjon Khaytibaevna

Structural-semantic researching of Clothes names in Khorezmian dialects 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРБАЕВА ШУКУРЖОН ХАЙИТБАЕВНА

**ХОРАЗМ ШЕВАЛАРИДАГИ КИЙИМ-КЕЧАК НОМЛАРИНИНГ
СТРУКТУР-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1.PhD/Fil19 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Дўсимов Зариббой**
Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Қурбонова Муҳаббат Матякубовна**
филология фанлари доктори, профессор

Усманова Шоира Рустамовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.19.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58; fax: (99871) 246-53-21; e-mail:tdutau_nazorat@edu.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Сирожиддинов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.,
профессор

Ё.Р.Одилов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

Н.М.Маҳмудов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослигида ҳар бир миллий тилнинг ички ривожланиш манбаи бўлган шеваларни тадқиқ қилиш, бу кўҳна бойликда жам бўлган луғавий birlikларнинг тарихий хусусиятларини очиб бериш ҳамда лисоний ҳодисаларнинг ҳозирги тараққиёт тенденцияларини аниқлаш устуворлашмоқда. Маънавий меросимиз ва кадриятларимизнинг таркибий қисми бўлган диалектал лексика, ундаги кийим-кечак номларининг структур-семантик тадқиқи ҳам соҳа ривожини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Жаҳон тилшунослигида халқнинг тарихи, этник-маданий ҳаётининг маҳсули бўлган соҳавий лексика, туркий тилларнинг диалектал ўзига хосликлари ҳамда ономасиологик жараённинг когнитив фаолият билан алоқадорлиги каби масалалар тилшунослар эътиборини торта бошлади. Худудлар аҳолиси нутқига хос бўлган диалектал birlikларни йиғиш, уларни таҳлил қилиш тилнинг тарихий тараққиётини кўрсатиб беришда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли тилшуносликда диалектал лексика ва соҳавий лексик birlikларнинг лисоний хусусиятлари ҳамда уларда содир бўладиган номинация жараёнларини аниқлаш, ономасиологик тамойилларини белгилаш, Марказий Осиёдаги туркий тиллар соҳавий лексикасининг этнолингвистик ва социоллингвистик хусусиятларини очиб бериш сингари устувор йўналишларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса соҳавий лексиканинг таркибий қисми бўлган кийим-кечак номларининг структур-семантик таҳлилининг монографик аспектда ўрганишни, бу тип birlikларнинг ономасиологик тамойилларини белгилашни ва пировардида дунё тилшунослигини бундан хабардор этишни тақозо қилади.

Мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг турли соҳаларида аниқ мақсадга йўналтирилган изчил ислоҳотлар олиб борилиши натижасида қарийб унутилишга келиб қолган маданий кадриятларимиз, хусусан, миллий тилимизни ривожлантиришга бўлган эътибор кучайди. Бунинг натижаси сифатида тилшунослигимизда терминлар ва соҳалар лексикаси ўрганилди, маълум даражада тартибга солинди; эски ўзбек тили, ҳозирги ўзбек адабий тили ҳамда шевалари лексикасининг турли соҳаларига оид бир қатор тадқиқотлар бажарилди. Шу билан бир қаторда, ҳар бир худудга хос бўлган диалектал birlikларнинг структур-семантик хусусиятларини очиб бериш ҳам муҳим лингвистик муаммолардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш»¹ алоҳида таъкидланган. Шу маънода миллий тафаккур ҳамда кўп йиллик анъана ва кадриятларимизнинг ёрқин ифодаси бўлган кийим-кечак номларини, хусусан, унинг структур-семантик хусусиятлари, ҳозирги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тараққиёт манбаларини яхлит тадқиқ этиш тилшунослигимиздаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида муайян тилдаги соҳа лексикасини атрофлича ўрганиш, умумхалқ тилининг таркибий қисми сифатидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш борасида қатор ишлар қилинган. Терминологиянинг назарий муаммоларини ўрганиш ва соҳалар лексикаси Н.Дмитриев, Н.Баскаков, А.Реформатский, В.Даниленко, Н.Маматов, У.Турсунов, С.Иброҳимов, А.Ҳожиёв, Э.Бегматов, О.Усмонов, Х.Дониёров, Ғ.Абдурахмонов, С.Акобиров, Ҳ.Дадабоев, Ҳ.Жамолхонов, Н.Маҳмудов, Н.Маҳкамов, М.Абдиев, Н.Икромов, М.Асомутдинова, Т.Турсунова, Т.Дадахонова, А.Мадвалиев, И.Йўлдошев, А.Собиров, Ш.Усманова, Н.Қосимов, Ҳ.Ёдгоров ва бошқаларнинг тадқиқотларида акс этган.

Туркий тиллар материаллари асосида бирор соҳа луғавий тизимини ўрганиш ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланган бўлса ҳам бошқа тиллар, хусусан, рус тилидаги кийим номлари тадқиқига бағишланган ишларда уларнинг туркий тилларга муносабати масаласи ҳамда генетик таҳлили берилган материалларни эътиборга олсак, мавзунинг ўрганилганлик даражаси замонавий тилшуносликда ҳам маълум маънода узоқ тарихга эга эканлиги аён бўлади².

Кийим-кечак номлари турли соҳа терминлари (амалий санъат, ҳарбий кийим-кечак номлари) сифатида ўрганилгани назарда тутилса, кийим-кечак номлари тадқиқ тарихи терминология ва соҳалар лексикаси тадқиқ тарихи билан узвий боғлиқ эканлиги кўринади. Туркий тилларда терминологик

² Археологические труды Алексея Николаевича Оленина. – Вып. I. – СПб.: Типографии Императорской Академии наук, 1877; Переписка А. Н. Оленина с разными лицами по поводу предпринятого Н. И. Гнедичем перевода Гомеровою «Илиады». – 1877. II. – 253 с; Савваитов П.И. Описание старинных царских утварей, одежд, оружия, ратных доспехов и конского прибора, извлеченное из рукописей архива Московской оружейной палаты. – Зап. Археол. об-ва. Т. XI. – СПб., 1865. – С. 270-608.

тадқиқотларнинг дастлабкилари саналадиган Н.А.Баскаков ва Ф.С.Фасеевларнинг ишларида, қолаверса, қирғиз, қозоқ ҳамда озарбайжон тилшунослигидаги тадқиқотларда³ ҳам соҳавий лексика тарихий терминология муаммолари билан узвийликда ўрганилганлиги маълум бўлади.

Ўзбек тилшунослигида ҳам кийим-кечак ва унинг қисмлари номлари махсус тадқиқ қилинган⁴, бироқ Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик таҳлили деярли амалга оширилмаган. Бу эса ушбу диссертациянинг долзарб эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Урганч давлат университети «Ўзбек тилшунослиги» кафедрасининг «Ўзбек тилининг шаклланишида Хоразм шеваларининг ўрни» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

воҳа кийим-кечак номларининг тарихий-этимологик таҳлилининг амалга ошириш, уларни луғавий қатламларга ажратиш, объект сифатида танланган сўзларни ўзбек тили тарихий лексикасининг умумий тизими билан қиёслаш;

воҳа шеваларидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик хусусиятларини бошқа туркий тилларга қиёслаб очиб бериш, бунда уларнинг тарихан мансуб бўлган тиллардаги ясалиш хусусиятини аниқлаш;

кийим-кечак номларининг ўзаро қариндош бўлмаган тилларга ўзлашиш ва сингиш сабабларини асослаш;

Хоразм воҳаси шеваларидаги кийим-кечак номларининг ономасиологик тамойилларини белгилаш;

кийим-кечак номларининг ҳозирги ўзбек адабий тилида маъно торайиши, маъно кенгайиши каби лексик ҳодисаларга учрашини, уларда рўй берадиган фонетик ўзгаришларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номлари, йиғилган карточкалар ҳамда УрДУ «Ўзбек тилшунослиги» кафедраси қошидаги «Диалектология лабораторияси» фондида мавжуд бўлган материаллар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Хоразм воҳасидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик хусусиятлари танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, ареал (лисоний-географик) ҳамда қиёсий-тарихий методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг луғавий қатламлари

³ Баскаков Н.А. Современное состояние терминологии в языках народов СССР. – М., 1959. – С. 27; Фасеев Ф.С. Татар телендэ терминология. – Казань, 1969; Орузбаева Б.У. Словообразование в киргизском языке. – Фрунзе, 1964; Урекенова Р.А. Образование терминов в казахском языке. – Алма-Ата, 1980; Гасимов М.Ш. Основы терминологии азербайджанского языка: Автореф. дис. ... д-ра филол. Наук. – Баку, 1972.

⁴ Асомутдинова М. Ўзбек тилида кийим-кечак ва унинг қисмлари номлари: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1970.

аниқланган;

воҳа шеваларидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик ва тарихан ясалиш хусусиятлари диахрон ҳамда синхрон аспектларда очиб берилган;

кийим-кечак номларининг ўзаро қариндош бўлмаган, лекин яқин маданий, сиёсий, географик, диний муштаракликка эга бўлган халқлар тилларига ўзлашиш ва сингиш сабаблари аниқланган;

Хоразм воҳаси шеваларидаги кийим-кечак номларининг моддий асосга, функционал хусусиятга, аналогияга ва белгиларни нисбатлашга кўра танлаш сингари ономасиологик тамойиллари белгиланган;

кийим-кечак номларининг ҳозирги ўзбек тилида маъно торайиши, маъно кенгайиши каби лексик ҳодисаларга учраши, уларда рўй берадиган фонетик ўзгаришлар илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик хусусиятлари бўйича олинган хулосалар ўзбек тилшунослиги, хусусан, ўзбек шевашунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, тил тарихи, диалектология, лексикология каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

воҳа шеваларидаги кийим-кечак номларининг таркибий таҳлили амалга оширилган ҳамда уларнинг мотивланиш тенденциялари ёритилган;

тадқиқотнинг этногенетик муаммоларни ёритиш, ўзбек шеваларининг тарихий ташкил топиш жараёнини ўрганишда ишончли манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Таҳлилга тортилган материаллар ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик пухталиги, қўйилган масалаларнинг аниқлиги ва ишончли лексикографик манбалардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ҳозирги кунда ўзбек филологиясида долзарб бўлиб турган ва ўзбек тилининг тарихий лексикологияси, шевашунослик ҳамда этимология муносабати, кийим-кечак номларининг шаклий-маъновий жиҳатлари ҳақидаги мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги кийим-кечак номларининг таркибий таҳлили, луғавий қатламлари, ономасиологик тамойилларига доир қарашлардан олий ўқув юртларининг филология факультетларида лексикология, тил тарихи, диалектология каби фанларни ўқитишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, дарслик ва қўлланмалар, шунингдек, Хоразм шевалари луғати, ўзбек тили касб-ҳунар лексикаси луғатини яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кийим-кечак номлари (*бөрк, постын, гудары, дэгди, пота, сандал, башбав, рөпак, чивэнт, қулақчын, ләчәк, пайжама, жоррап, моза кәвиш, кәлләки, пилтә, паравыз, мәссы, пәрәнжи, шалвар* каби)нинг маъновий ва услубий хусусиятлари, лексикографик изоҳларидан Абдулла Қаҳҳор уй-музейида экспонат сифатида қўйилган кийим-кечак номларини музей зиёратчиларига тушунтиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2016 йил 7 сентябрдаги 01-11-08-4640 – **сон** маълумотномаси). Натижада экспонат сифатида турган архаик ҳамда шевага хос кийим-кечак номларининг янги маънолари аниқланган;

Хоразм шеваларига мансуб бўлган 30 га яқин кийим-кечак номлари (*нах, тон, бөрк, қалпақ, дэгди, гуппы* каби)нинг лексикографик изоҳи ҳамда далилловчи мисоллардан Хива «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонасига қарашли амалий санъат, халқ хунармандчилиги, тарих музейларидаги экспонатларнинг мазмунини шарҳлашда, музей фондида сақланаётган экспонатларнинг илмий паспортини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2016 йил 7 сентябрдаги 01-11-08-4640 – **сон** маълумотномаси). Илмий натижанинг татбиқ этилиши зиёратчиларга экспонатлар мазмун-моҳиятини тушунтиришда қулай ифода воситаси бўлиб хизмат қилган;

Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик таҳлили юзасидан асосланган назарий хулосалар, мумтоз адабий асарларда қўлланган бир қанча лексик бирлик (*ултан, бөрк, пота* каби)ларнинг этимологияси, лексик-семантик ва услубий хусусиятлари, уларни далилловчи материаллардан ФА-Ф8-О34 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» (2007-2011) фундаментал лойиҳасининг «Навой асарлари луғати» йўналишида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 22 июндаги ФТК-0313/404–**сон** маълумотномаси). Илмий натижалар асосида луғавий бирликларнинг маънолари бойиган, изоҳлари мукаммаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова (луғат)дан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 150 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг диахрон асослари**» деб номланган. Унда Хоразм шеваларидаги туркий, эроний, арабий ва субстрат асосли, шунингдек, халқаро ўзлашма мақомидаги кийим-кечак номлари тарихий-этимологик жиҳатдан тасниф қилинган. Воҳа кийим-кечак номларининг тарихий-этимологик таҳлили ўзбек тили лексикасининг умумий тарихий тараққиётини бошқа туркий тилларга қиёслаб тадқиқ қилишда муҳим таркибий қисм саналиб, маълум даражада унинг ривожланиш ва бойиш қонуниятларини очиқ беришга ёрдам беради.

Туркий сўзларнинг аксарияти қариндош тиллар учун муштарак эканлиги маълум. Шунинг учун бўлса керак, асл туркий сўзлар умумтуркий лексика, умумтуркий қатлам бирикмалари номи остида таҳлил қилинади⁵. Шундай умумтуркий қатлам сўзларидан бири «паст навли чит» маъносидаги *шьрънь* бўлиб, у тақлид сўздан ҳосил қилинган ҳамда унинг юпқалиги, енгиллиги шундай аташга сабаб бўлган. Тез ҳаракат қилиш натижасида чиққан товушга тақлид асосида пашша кўришда ишлатиладиган елпиғич, шунингдек, говрон учун ишлатиладиган майда новда ҳам *шьрънь* дейилади. Халқ кўшиқларидан олинган қуйидаги мисралар ҳам бу сўзнинг анча олдин пайдо бўлганини тасдиқлайди: *Шьрънь гөйрәк бадаладь йурйәндә, и:чкьнәмнь от аладь гөрийәндә...*⁶

Қайтақы телпакнинг бир тури бўлиб, киядиган томони тор, юқори қисми кенг бўлиши билан фарқланади⁷. Телпакнинг шаклидан келиб чиқиб, бу номнинг қадимги туркий тилда «орқа томонга ўгир-» маъносини англатган «қай-»⁸ феълига *-ыт* кўшимчасининг қўшилишидан ҳосил бўлган ясалмага сифат ясовчи *-ақы* кўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинган, дейиш мумкин. Кўпгина кийим-кечак номлари сингари *қайтақы* ҳам сифатнинг отлашиши натижасида телпакнинг бир турини ифодаловчи ном бўлиб қолган. Кийим турларининг, асосан, аниқловчили бирикма шаклида бўлиши эътиборга олинса, айни номнинг дастлаб *қайтақы* *папақ* ёки *қайтақы топпы* тарзида ишлатилгани маълум бўлади.

⁵ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент, 1985. – Б.53.

⁶ Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1961. – Б. 103.

⁷ Абдуллаев Ф. Кўрсатилган асар. – Б. 59.

⁸ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1961. – Б.263.

Диссертацияда туркий қатламга оид *бөрк, қалпақ, дэгди, қайтақы напақ/қайтақы топпы, гүппы* каби кийим-кечак номлари ҳам таҳлилга тортилган.

Ўзбек тили луғат фондидаги форсча ўзлашмалар хусусида қатор ишлар амалга оширилган бўлиб⁹, уларга нисбатан «форсий ўзлашмалар», «форсча-тожикча сўзлар», «тожикча-форсча сўзлар» каби терминлар қўлланади. Хоразм шеваларига бағишланган ишларда ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилган¹⁰. Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номлари луғавий қатламлар нуқтаи назари билан текширилар экан, айна шевадаги форсча сўз деб талқин қилинган ёки шундай изоҳланиши мумкин бўлган сўзларни «форсий ўзлашмалар», «форсча-тожикча сўзлар» ёки «тожикча-форсча сўзлар» тарзида аташ айрим ҳолларда ўзини тўла оқламаслиги маълум бўлди. Хоразмнинг турли этник бирликлар тўқнашган ҳудудлиги, айрим кийим-кечак номларининг эроний тилларга мансублиги аён бўлса ҳам, уларнинг форс ва тожик тилларида учрамаслиги, хоразмий тилининг ҳам эроний тиллар ғарбий шохобчасига кириши каби фактларни эътиборга олиб, бундай луғавий бирликларни «эроний тилларга мансуб номлар» тарзида аташни лозим топдик.

Хоразм шеваларидаги эроний тилларга мансуб кийим-кечак номларини дастлаб қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 1) эроний тилларнинг умумий лексикасига мансуб номлар; 2) эроний тиллар учун умумий, аммо маъносига кўра фарқланувчи сўзлар; 3) хоразмий тили материаллари асосида изоҳланувчи номлар. Кейинги гуруҳдаги сўзларни субстрат асосли бирликлар сифатида қайд этдик. Қуйида айна гуруҳларга мансуб айрим сўзларнинг таҳлили берилади.

Эроний тилларнинг умумий лексикасига мансуб номларга соппаш (Хўжайли, Манғит) – кечаси кийиб ётадиган дўппи¹¹ маъносидаги сўзни киритиш мумкин. Ушбу сўз қайд этилган маънода Гурлан, Янгибозор шеваларида *соппаш* ва *сопбаш* шаклларида мавжуд. Сўзнинг А.Ишаев берган изоҳига асосан унинг эроний тилларга мансуб икки мустақил сўз бирикувидан ташкил топгани англашилади: *шэб* ва *пош*. Сўзнинг *шэб* қисми «тун» маъносида деярли барча эроний тилларда ишлатилади. Жумладан, қадимги форсийда *xshapa*, «Авесто»да (авестовий тилда) *xshap*, *xshapan*, *shap*, паҳлавийда *shawâk*, қадимги ҳинд тилида *kshâp* шаклида бўлган бу сўз курдчада *shev*, афғонча (пушту)да *sha*, балуж тилида *shap*, шуғнон тилида *shab*, сарикийда *xab*, мунжийда *xshāwa*, гилонийда *shāb*, фаризандийда *shaw*, ярнийда *shaew* тарзида қўлланади¹². Шунингдек, қайд этилган маънода форс

⁹ Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожикча-форсча ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 109; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент, 1985. – Б. 103-115.

¹⁰ Абдуллаев Ф. Кўрсатилган асар. – Б.140-141; Мадрахимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. – Б. 46; Ишаев А. Из лексикаси узбекских говоров Каракалпакии // Вопросы тюркологии. – Ташкент: Фан, 1965. – С. 111-117.

¹¹ Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 154.

¹² شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دكتور محمد معين . تهران . امير كبير . جلد ۳ ص ۱۲۳۹ .

тилида *shāb* شب¹³, тожик тилида *shāb*¹⁴ шаклига эга. *Пош* (ад.орф. *pūsh*) қисми эса ҳозирги форс тилида «киймоқ», «яширмоқ» маъносидаги *пушидан* پوشيدان феълининг ҳозирги замон ўзагидир¹⁵. Демак, *соннаш* сўзининг асл луғавий маъноси «тунда кийиладиган кийим»дир.

Диссертацияда *сэрпош*, *падаш*, *рэнт*, *пота*, *пъшкэ* каби кийим-кечак номлари ҳам ушбу гуруҳ таркибида ўрганилган.

Эроний тиллар учун умумий, аммо маъносига кўра фарқланувчи сўзларга кўртани мисол қилиб келтириш мумкин. Бу сўз тожик тилида «кўйлак» маъносини англатади¹⁶, Хоразм шеваларида эса «ёш болаларнинг пахта солиб тикилган ёқасиз, олди ёпиқ уст кийими» (*ала кўртэ*, *қурақ кўртэ*)ни билдиради¹⁷. «Фарҳанг-и Рашидий»да бу сўзга «кўйлак ва яктак» деб изоҳ берилган. Тадқиқотчилар Сабзаворда жун кўйлакнинг «*курта*» деб аталишини ҳам таъкидлайдилар. 1879 йилда нашр қилинган «Курдча-французча луғат» (Auguste Jaba. Dictionnaire Kurde-Français. Publié par Ferdinand Justi. St. Peterbourg)да курд тилидаги *kurtek* сўзи рус тилидаги *куртка* сўзи билан алоқадорлиги қайд қилинган¹⁸. Бундай сўзлар сифатида яна *моза кэвиш*, *чарсы*, *ла:с* кабилар ҳам берилган.

Хоразм воҳаси кийим-кечак лексикаси тизимида арабча луғавий қатламга мансуб сўзлар ҳам учрайди. Масалан: *мэссъ* – маҳси. *Маҳси* сўзи арабча «бўямоқ», «суртмоқ», «ёғламоқ» маъносидаги *масаҳа*¹⁹ феъли асосида пайдо бўлган. Оёқ кийимининг бундай номланиши унга масҳ тортиш мумкин бўлганидандир. Масҳ тортиш шароити ва тартиби шаръий асосланади²⁰. *Масҳ* сўзига нисбат қўшимчаси бўлган *-и* ни қўшиш натижасида ҳосил бўлган ушбу сўз араб тилининг ўзида йўқ. Шунингдек, ушбу сўзнинг форс тилига оид луғатларда ва «Навоий асарлари луғати»да учрамаслиги унинг бир қадар кейинги даврларда арабий асосга ўзбек тили сўз ясашиш тизимидан мустаҳкам ўрин олган, аслида араб тилидан ўзлашган «ёйи нисбат»ни қўшиш билан ясалганини кўрсатади. Демак, *мэссъ* сўзининг ясашиш асоси араб тилига тааллуқли бўлса ҳам, сўз яшаш тизими нуқтаи назаридан ўз қатламга мансуб.

Диссертацияда *халақа*, *ъсқат*, *джубба* каби сўзларнинг ҳам араб тилидан ўзлашганлиги, уларнинг Хоразм шевалари кийим-кечак лексикаси тизимида алоҳида ўрин тутганлиги ҳақидаги фикрлар қайд қилинади.

Воҳа кийим-кечак лексикасида шундай бирликлар борки, улар воҳа шевалари ҳамда ўзбек халқ шевалари лексикаси бўйича тузилган луғат ва тадқиқотларда акс этмаган, уларнинг айримлари соҳавий лексика тараққиётининг аввалги босқичларида алоқада бўлиб, келиб чиқиши

¹³ Персидско-русский словарь. Том II. – Москва: Русский язык, 1983. – С. 90.

¹⁴ Русско-таджикский словарь. – Москва: Русский язык, 1985. – С. 585.

¹⁵ Персидско-русский словарь. Том I. – М.: Русский язык, 1983. – С. 315.

¹⁶ Ишаев А. Из лексики узбекских говоров Каракалпакии // Вопросы тюркологии. – Ташкент: Наука, 1965. – С. 114.

¹⁷ Ишаев А. Кўрсатилган асар. – Б. 123.

¹⁸ شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع. با اهتمام دکتر محمد معین. تهران. امیر کبیر. جلد ۳ ص ۱۲۱۳

¹⁹ Носиров О., Юсупов М. ва бошқалар. Ан-наъим. Арабча-ўзбекча луғат. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2005. – Б. 783.

²⁰ Мухтасар. Араб тилидан Рашид Зоҳид ва Акрам Деҳқон таржимаси. – Тошкент: Чўлпон, 1993.

хоразмий тилига бориб тақалади. Шундай сўзлардан бири *паравъздир*. Бу сўзни Ф.Абдуллаев *пилта* деб изоҳлайди ва мисол тариқасида *жияк: көрпәнъң паравъзънъ ҳәльмә тьктъ* жумласини келтиради²¹, А.Ишаев эса *жияк (пўстиннинг енг учлари ва атрофларига қоракўл терисидан қўйилган жияк)* деб қайд этади²². *Паравъз* сўзининг этимологиясига диққат қилинса, унинг икки таркибий қисмдан иборат эканлиги маълум бўлади: *пар* ва *авиз*. *Пар* форс тилида кўплаб маъноларга эга бўлган. Масалан: *пар* (қушнинг пари); кафтнинг бошланишидан бармоқлар учигача бўлган қисми; ёруғлик, нур; қирғоқ, чекка, этак (*пар-и кулоҳ* – бош кийимининг чеккаси, *пар-и биёбон* – чўлнинг адоғи каби); дарахт барги; тегирмон, ғилдирак кабиларнинг парраги каби. Мазкур сўз англатадиган маъно паҳлавий тилида *par, parr*, авестовийда *parena* (қанот), қадимги ҳинд тилида *parna* шакллари ифодаланган бўлса, ҳозирги эроний тиллардан бўлган курд тилида *per*; вохон тилида *parr*; гилон, фаризандий, ярний, натанзий тилларида *par*, сурахаи тилида эса *pər* тарзида қўлланади²³. *Паравъз* сўзининг иккинчи қисми бўлган *авъз* эса «осмоқ» маъносидаги *овихтан* أويختن феълининг ҳозирги замон шаклидир. *Ávixtan, âpixtan* (овихтан) феълининг ўзи паҳлавий тилида авестовий *осмоқ* маъносидаги *vaeg* феълига *â* олд кўшимчасини қўшиш орқали ҳосил бўлган²⁴. Демак, *паравъз* сўзи «пар осилган (чеварлик буюми)» деган маънони англатар экан.

Шунингдек, диссертацияда, келиб чиқиши хоразмий тилига оид бўлган *кәлләкъ, сандал, пәриш, дукард, жоррап, ла:с, нах, пешкъл, ро:пак* каби сўзлар ҳам таҳлил этилган. Хоразмий тилига оид деб ҳисобланадиган мана шундай сўзларнинг эроний тилларда ҳам учрашини, аслида, бу тилларнинг бир оилага мансублиги билан изоҳлаш мумкин.

Миллий тилнинг луғат таркиби, унда мавжуд лексик бирликлар ўзи мансуб халқ ёки миллатнинг бутун тарихий тараққиёти давомида шаклланади. Ўзбек тили лексикаси ҳам доимий бойиш ва ривожланишда бўлиб, унинг таркибида ўзлашма сўзлар алоҳида қатламни ташкил қилади. Шу маънода, ҳозирги ўзбек адабий тили ва халқ шеваларида рус ва бошқа Европа тилларидан ўзлашган қатлам ҳам мавжуд. Бу қатлам ўзбек ва рус халқининг узоқ йиллик иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа кўплаб соҳалардаги алоқалари асосида вужудга келган. Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг муайян қисми ҳам русча ва рус тили орқали ўзлашган. Масалан, *бәсәножкә* (оёқ кийими), *күбәнкә* (бош кийим), *күрткә* (уст кийим), *мәйкә* (ич кийим), *пүпәйкә* (пахтали уст кийим), *шәпкә, кепкә* (бош кийим), *пилоткә* (ҳарбий бош кийим), *шерст* (мато номи), *кофтә, юбкә* каби.

Кийим-кечак номларининг тарихий-этимологик хусусиятларини ўрганиш уларнинг шаклланиши халқ тарихи ва ижтимоий-лисоний алоқалари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатди ҳамда ўзбек тилида содир

²¹ Абдуллаев Ф. Кўрсатилган асар. – Б.74

²² Ишаев А. Кўрсатилган асар. – Б. 145.

²³ شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع. با اهتمام دكتور محمد معين. تهران. امير کبير. جلد ۱ ص ۳۷۵

²⁴ شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع. با اهتمام دكتور محمد معين. تهران. امير کبير. جلد ۲ ص ۶۷

бўлган кўплаб лисоний бирликлар ва ҳодисаларнинг тараққиётини аниқлаш имконини берди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг лисоний таркиби**» деб номланган. Кийим-кечак номларининг таркибий таҳлили шуни кўрсатдики, улар ўзи мансуб бўлган тилдаги сўз ясалиш тизими, типологик хусусиятларидан ташқарида эмас. Кийим-кечак номларининг таркибий таҳлили уларнинг таркибига кўра тарихан мураккаблиги, тилнинг кўп асрлик тараққиёти давомида шаклланганлигидан далолат берди. Айтиш мумкин, лексикага оид номларнинг таркибий таҳлили уларнинг генетикаси, аталиш тамойиллари билан бевосита боғлиқлиги, ном учун асос бўлган апеллятивнинг илк ўзакларини аниқлаш зарурати кўп ўринларда туб ва содда ясама сўзлар таркибий таҳлилинини бирга олиб боришни тақозо қилади. Буни қуйида бир неча мисоллар орқали ҳам кўриб ўтамиз:

-*лық* аффикси. Туркий тиллар, шу жумладан, ўзбек адабий тили ва унинг шеваларидаги *-лық* ва унга генетик ҳамда функционал яқин бўлган кўшимчалар атрофлича таҳлил қилинган²⁵. Тадқиқотларда *-лық//лик*, *-лы//ли* кўшимчаларининг генетикаси ва вазифалари умумий бўлиб, ҳозирги уйғур, хакас, тува, шор тилларидан бошқа туркий тилларда дифференциаллашган ҳолда – *лық//лик* от учун, *-лы//ли* сифат учун ишлатилади²⁶. *-лық* кўшимчаси Хоразм воҳасидаги кийим-кечак номларидан айримларининг ясалишида ҳам иштирок этган. Масалан: *башлық* – этик пошнаси: етигиң *башлығы* кетипти, таза башлық салдыр.

-*лық* кўшимчасининг кийим-кечак номларида тегишлилик мазмунини ифодалашини Хоразм воҳаси шеваларидаги *балтырлық* номида ҳам кўриш мумкин. *Балтырлық* (Хўжайли) – этик қўнжини тик тутиб туриш учун болдирга ўрайдиган мато²⁷. «Оёқнинг тизза билан тўпиқ оралиғидаги қисми» маъносидаги бу сўз ўзбек тилида «болдир» деб номланиб, қадимги туркий тилда Жанубий Қорақалпоғистон ўзбек шеваларидагидек *балтыр* тарзида бўлган²⁸. Ш.Раҳматуллаев ундаги фонетик ўзгаришларни *t* нинг *ð* га, *a* нинг *â* га алмашиши ва *ы* унлисининг қаттиқлик белгисини йўқотиши, деб кўрсатади²⁹. Бу ўринда *-лық*нинг «мўлжалланганлик» семасини ҳам англаштишга хосланганлиги ойдинлашади.

-*мә* аффикси. *Шыпырма* – бош кийими³⁰. Бу сўзнинг асоси бўлган *шыпыр-* феъли Хоразм шеваларида «тақирламоқ» маъносини билдиради.

²⁵ Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. II. Фонетика и морфология. Часть I. – М., 1952. – С. 181-208.; Севортян Э.В. Аффиксы именного словообразования в азербайджанском языке. – Москва: Наука, 1966. – С.21-76; Гулямов А. Об аффиксе -лик в узбекском языке // Научные труды ТашГУ. – Вып. 260. Языкознание. – Ташкент, 1964; Гарипов М. Башкирское именное словообразование. – Уфа, 1959.– С. 91-125.; Орузбаева Б.О. Словообразование в киргизском языке. – Фрунзе, 1964. – С. 25-28.; Мадрахимов О. Ўғуз лаҳжасида -ли аффиксининг эволюцияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1971. – №1; Шарипова К.А. Словообразующие аффиксы -лик, -ли, -чилик в узбекском языке: Автореф. дис. ...канд.филол.наук. – Ташкент, 1972. – 30 с.

²⁶ Шарипова К.А. Кўрсатилган автореферат. – Б. 12.

²⁷ Ишаев А. Кўрсатилган асар. – Б. 80.

²⁸ Дрентюркский словарь. Под редакцией Надеяева В.М., Насилова Д.М., Тенешева Э.Р., Щербака А. Москва - Ленинград, 1969. – С. 81.

²⁹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 57-58.

³⁰ Ўрозов Э. Кўрсатилган асар. – Б. 76.

Масалан, тут новдасидаги баргларни (ипак курти учун), ғўзапоядаги кўсакларни бирданига тозалаб олиш *шыпырыш* дейилади. Шунга кўра, бу феълни «тақир», «яланғоч» маъносидаги «чып» сўзига *-ыр* феъл ясовчисини кўшиш билан ҳосил бўлган дейиш мумкин. Хоразм шеваларидаги «тақир», «ҳеч нарсаи йўқ» маъносидаги *чыпрабой* сўзи ҳам ушбу талқинга мос келади. *Шыпырнинг* «тақирламоқ» маъносидан *шыпырманинг* «ўғри», шу асосда «муттаҳам» маънолари келиб чиққан. Унинг «тақир» маъноси эса «қулай», «ўнғай» семалари қадар кенгайган. Бош кийимига ном бўлган маъно эса, фикримизча, ана шу сифатнинг отга кўчиши натижасида пайдо бўлган.

Хоразм воҳасидаги кийим-кечак лексикасига оид номларнинг айримларини гибрид таркибли сўзлар ташкил қилади. Мана шундай сўзлардан бири *аққарм* – «оқ чит» сўзидир³¹. Унинг биринчи қисми туркий *ақ* сўзи бўлса, иккинчи қисмини эроний тилларга мансуб *карм* сўзи ташкил қилади. Иккинчи таркибий қисм, бизнингча, *кард* – «пичоқ» сўзига алоқадордир. Чунки ҳозирги форс тилида «пичоқ» маъносини англатувчи *корд* «Авесто»да *kareta* (пичоқ), паҳлавий тилида *kârt* шаклида бўлиб, санскритча *kart*, *krutâti* – «кесмоқ» феълига алоқадорлик касб этади³². Демак, *карм* «парча», «бўлак» маъноларини англатиши табиийдир. Бизнингча, *аққарм* сўзи таркибида *карм*нинг нисбатан қадимий маъноси сақланиб қолган.

Воҳа кийим-кечак номларининг муайян қисмини таркибан кўшма от таркибли номлар ташкил қилади. Улардан бири сифатида «қизил рўмол» маъносидаги *арромал* сўзини кўрсатиш мумкин. Мазкур сўз тарихий кўшма ном бўлиб, «қизил» маъносидаги *ал* ва *рўмол* сўзларидан таркиб топган. Бу фикрни Ф.Абдуллаев мазкур сўзга изоҳ сифатида келтирган халқ кўшиғи парчаси ҳам тасдиқлайди:

*Арромалнь ортасънда а:йъ ва:;
Қызъл жуван оран чықса, жса:йъ ва:.*³³

Кўшма таркибли номларга *балакай қалъп*, *бэлэнд өкчә*, *бойра йүн*, *гөзәл силкма*, *гудары белбав*, *зарлидам пота*, *ич олтан*, *зынджыр сачақ*, *қайғыш падаш*, *өкчә дамър*, *өкчә мъйх*, *пардаз мумъ* кабиларни ҳам киритиш мумкин.

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг ономасиологик тамойиллари**» тарзида номланган.

Кийим-кечак номлари ҳам тилдаги бошқа номлар тизими каби стихияли равишда пайдо бўлмаган, яъни уларнинг юзага келиши халқнинг тафаккур тарзи, психологияси, ўзига хос менталитети каби омилларга боғлиқ ҳолда шаклланган. Айни шу ҳолат ҳам уларга ном сифатида қараш зарурлигини яна бир қарра исботлайди. Шунга кўра воҳа кийим-кечак лексикасига мансуб номларни ономасиологик тамойилларига кўра маълум гуруҳларга ажратиш мумкин.

Моддий асосга кўра танлаш тамойили билан юзага келган кийим-кечак номлари бевосита хомашёнинг номи ёки бу сўзларга мансублик маъносини

³¹ Ишаев А. Кўрсатилган асар. – Б. 68.

³² شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دكتور محمد معين . تهران . امير کبير . جلد ۱ ص 1559

³³ Абдуллаев Ф. Кўрсатилган асар. – Б. 20.

англатувчи бирор кўшимчанинг кўшилиши, шунингдек, таркибида материя номини англатувчи сўзлар иштироки билан ҳосил бўлади.

Таъкидлаш лозимки, моддий асосга кўра танлаш (вазифасига кўра номлаш билан бирга) соҳавий лексика тизимига мансуб номлар ономасиологик тамойилининг нисбатан энг қадимги тури бўлиб, фикримизча, дастлабки кийим-кечак номлари хомашёнинг номи билан аталган. Бу ҳам кийим-кечак номлари ономаларнинг махсус кўриниши эканлигини кўрсатади. Ушбу ҳол дастлабки жой номлари (топонимлар) ер (дала, қир, қишлоқ, тоғ)нинг ўзи билан номланишига ўхшайди. Бизнинг мазкур мулоҳазамизга кўпгина туркий тилларда кийим номи сифатида ишлатиладиган *тон* сўзининг генетик таҳлили ва семантик тараққиёти далил бўла олади.

Тон (тўн) сўзи туркий тилларда ниҳоятда кенг тарқалган кийим номи бўлиб, Л.Будагов татар тилида *тон* تون // *don* دون, турк тилида *дон* دون – тўн, этик, оёқ кийими, қирғиз тилида эса «аёлларнинг ёзги уст кийими» маъносини англатишини қайд этади³⁴. Бу сўзнинг турли хил кийим номларини англатгани унинг хомашёга кўра номланганини тахмин қилишга асос бўлади. Сўзнинг бошқа туркий тиллардаги шакли ва маъноларига диққат қилинса, фикр янада конкретлашади. Хусусан, хакас тилида *тон* – «пўстин»³⁵, тува тилида *тон* – «пўстин», «халат»³⁶, нўғой тилида – *тон*- «тери», «тулуп», шу асосда *тонлав* – «ўлган ёки овланган ҳайвоннинг терисини шилмоқ», *тонлык* «кийимга мўлжалланган тери»³⁷, татар тилида *тун* – «тўн», «пўстин», *туналу* – «тери(си)ни шилмоқ»³⁸ маъноларида ишлатилади. В.В.Радлов мазкур сўз семантик жиҳатдан тува тилида *диин*, бошқирд тилида *тежен//тиин* шаклида ишлатилувчи *тин* («олмахон») сўзига боғлиқ, деб ҳисоблайди³⁹. Шу тарзда қадимги туркий тилдаги *тин* сўзининг «тери» маъноси асосида унинг пул бирлиги (ўзбек тилидаги *тийин*, тожик тилидаги *тин*), рус тилидаги *деньги*, корейсча *тон*, удмуртча *туй* сўзлари ҳосил бўлган⁴⁰. *Тин* сўзининг бу маъноси қозок, уйғур, туркман тилларида ҳам мавжуд⁴¹.

